

---

## **Деҳқончилик учун бир гектаргача ер ижарага берилади.**

### **Деҳқончилик учун бир гектаргача ер ижарага берилади.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил

23 ноябрдаги “МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИК ВА УЗУМЧИЛИКДА ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, ҚИШЛОҚ ҲЎЖАЛИГИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШИДА ДЕҲҚОН ҲЎЖАЛИКЛАРИНИНГ УЛУШИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИRLАРИ ТҮҒРИСИДА”ги ПҚ-20-сон қарори қабул қилинди.

Мазкур қарорга асосан Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда фермер ҳўжаликлари ва кластерлар фойдаланишидаги паст ҳосилли пахта ва ғалладан қисқартирилган 200 минг гектар экин майдонлари 2022 — 2025 йилларда босқичма-босқич захираға қайтарилади.

Захираға қайтарилиган ер майдонлари деҳқон ҳўжалиги ташкил этган ҳолда сабзавотчилик, полиз, дуккакли, мойли экинлар, картошка етиштириш каби лойиҳаларни амалга ошириш учун фуқароларга 0,10 гектардан 1 гектаргача бўлган ўлчамларда очиқ электрон танлов орқали 10 йилга ижарага берилади.

Деҳқон ҳўжалиги юритиш учун ер участкаларини очиқ электрон танлов орқали ижарага беришда ўз томорқасида мева-сабзавотчилик, полиз маҳсулотларини етиштириш ва узумчиликда яхши натижаларга эришган, ушбу соҳалардан бирида таянч мутахассисликка эга бўлган фуқароларга, «Темир дафтар», «Аёллар дафтари» ва «Ёшлилар дафтари»да рўйхатда турган эҳтиёжманд оиласарга алоҳида устуворлик берилади.

Ҳар бир лойиҳа учун миллий валютада 100 миллион сўмдан ошмаган миқдорда йиллик 14 фоиз ставкада кредит берилади.

Кредитлар кичик интенсив боғдорчилик ва узумчиликка 3 йилгача имтиёзли давр билан 7 йилдан кўп бўлмаган муддатга, полиз, дуккакли, мойли экинлар, картошка етиштириш ва сабзавотчиликка 6 ойгача имтиёзли давр билан 2 йилгача муддатга ажратилади.

Кредитлар деҳқон ҳўжаликларига янги жорий этилаётган ҳоким ёрдамчиларининг ёзма тавсиясига асосан ажратилади.

**Бешарик туман адлия бўлими**

2022-09-21 09:20:41